

ISSN: 2545-0573

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГНОЗ МОДЕЛИ

**А. А. Абдувалиев**

*СамИСИ Мустақил изланувчиси*

**А. М. Тураев**

*ТАТУ Қарши филиали "Ахборот технологиялари" кафедраси ассистенти*

**Ш. Х. Хуррамов**

*ТАТУ Қарши филиали талабаси*

### ARTICLE INFO.

#### **Калит сўзлар:**

Қашқадарё вилояти, туризм салоҳияти, прогноз модели, глобал пандемия, Gretel дастурий пакетида, кўрсаткичлар, тенденция ва динамикаси.

### Аннотация

Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш прогноз модели ишлаб чиқишга қаратилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

### Кириш.

Туризмни ривожлантириш прогнози алоҳида минтақа ва умуман мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантириш прогнозининг ажралмас қисми ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва туризм соҳаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, айрим тармоқларнинг ўсиш суръатларини рағбатлантириш орқали аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келади ва потенциал истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти ҳамда туризм хизматларига талабнинг ошишига ёрдам беради.

Ушбу мақоламизда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг прогнозини амалга оширдик. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни танлаб олдик:

Туризмни ривожлантириш прогнози алоҳида минтақа ва умуман мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантириш прогнозининг ажралмас қисми ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва туризм соҳаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, айрим тармоқларнинг ўсиш суръатларини рағбатлантириш орқали аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келади ва потенциал истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти ҳамда туризм хизматларига талабнинг ошишига ёрдам беради.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологик асослари илмий умумназарий, мантиқий-аналитик, қиёсий таҳлил, статистик, тизимли ва вазиятли ёндашувлар усуллари билан тақдим

этилган.

### Таҳлил ва натижалар.

Диссертация ишимизнинг ушбу параграфида Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг прогнозини амалга оширдик. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни танлаб олдик:

$\Sigma$ ХК-Жами хизмат кўрсатилганлар сони;

$T_{1к}$  - Бир кунлик ташриф буюрувчилар;

$T_T$  - Тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар;

$СЙ_C$  – Сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони;

$T_C$  - Тунаб қолишлар сони.

Ўзбекистон Республикаси марказий туристик минтақасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йилладаги ўсиш динамикаси қуйида келтирилган (1-жадвал).


**1-жадвал Ўзбекистон Республикаси марказий туристик минтақасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йилладаги ўсиш динамикаси (%)**

| № | Йиллар | Кўрсаткичлар |          |       |        |       |
|---|--------|--------------|----------|-------|--------|-------|
|   |        | $\Sigma$ ХК  | $T_{1к}$ | $T_T$ | $СЙ_C$ | $T_C$ |
| 1 | 2      | 3            | 4        | 5     | 6      | 7     |
| 1 | 2013   | 100          | 100      | 100   | 100    | 100   |
| 2 | 2014   | 92,2         | 71,2     | 94,9  | 25,0   | 90,1  |
| 3 | 2015   | 116,0        | 77,7     | 120,9 | 20,5   | 102,9 |
| 4 | 2016   | 148,1        | 94,0     | 155,0 | 118,5  | 122,8 |
| 5 | 2017   | 151,7        | 89,2     | 159,8 | 84,6   | 75,5  |
| 6 | 2018   | 160,2        | 125,0    | 164,8 | 100,9  | 90,8  |
| 7 | 2019   | 163,5        | 120,6    | 169,0 | 148,4  | 94,7  |
| 8 | 2020   | 57,1         | 21,7     | 61,7  | 24,8   | 46,4  |
| 9 | 2021   | 81,4         | 62,2     | 83,9  | 71,0   | 71,0  |

3.3.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2015-2019 йилларда жами хизмат кўрсатилганлар сони ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонидан барқарор ўсиш, қолган кўрсаткичларда эса нотекс тенденциялар кузатилган. Хусусан, 2015-2019 йилларда жами хизмат кўрсатилганлар сони 63,5 % га, бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 20,6% га, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони 69,0 % га, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 48,4% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, тунаб қолишлар сони эса 2013 йилга нисбатан 2019 йилда 5,3% га камайган.

2020 йилда глобал пандемия туфайли жорий қилинган карантин тадбирлари туфайли барча кўрсаткичларда пасайиш кузатилган, жумладан жами хизмат кўрсатилганлар сони 42,9% га, бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 78,3%га, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони 38,3% га, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 75,2 %га ва тунаб қолишлар сони 53,6%га пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2021 йилга келиб карантин қоидаларининг юмшатилиши ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича яратилаётган имкониятлар натижаси ўлароқ ўтган йилга нисбатан ўсиш тенденцияларига эришилган.

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларининг 2013-2021 йиллардаги динамикаси 1-расмда ифодаланган.



**1-расм. Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларининг 2013-2021 йиллардаги динамикаси <sup>1</sup>**

Тадқиқот олиб борилаётган ҳар қандай мавзунинг мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот мазмунини тўлиқ очиб бериш мақсадида маълум бир кўрсаткичларнинг прогнози бири-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда қиёсланган тарзда қараб чиқишга қаратилган. Чунки тадқиқот олиб борилаётган масаланинг бугунги кундаги долзарблиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар талабига мос ҳолда объектив заруратдан келиб чиқмоқда ва у қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) бугунги кунда туризм соҳасининг миллий иқтисодиётдаги самарадорлигини оширишнинг объектив зарурати;
- 2) ушбу самарадорлик кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш учун бир қанча бошқа ижтимоий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимлиги;
- 3) туризм соҳасинининг прогноз кўрсаткичларининг ижтимоий кўрсаткичлар билан боғлиқлигини таъминлаш ҳамда улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари такомиллаштириш лозимлиги;
- 4) туризм соҳасини ривожлантириш эвазига, улар билан боғлиқ ижтимоий кўрсаткичларни диверсификация қилиб, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг яшаш даражаси ва сифатини ошириш имкониятининг яратилиши;
- 5) Мамлакатимизнинг туризм соҳасида катта салоҳиятга эга эканлигидан фойдаланиб янги йўналишлардаги туристик маршрутларни, жозибадор туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш имкониятларини оширишни таъминлаш лозимлиги.

Шундай экан, мазкур масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини ҳамда туризм соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози асосида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ўта долзарблигини кўрсатиб беради.

<sup>1</sup>Мазкур график 3.3.2-жадвал маълумотлари асосида шакллантирилди.

**1-жадвал Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йиллардаги динамикаси<sup>2</sup>**

| № | Йиллар | Кўрсаткичлар |          |       |        |        |
|---|--------|--------------|----------|-------|--------|--------|
|   |        | $\Sigma$ ХК  | $T_{Iк}$ | $T_T$ | $СЙ_C$ | $T_C$  |
| 1 | 2      | 3            | 4        | 5     | 6      | 7      |
| 1 | 2013   | 55966        | 6408     | 49558 | 448    | 174081 |
| 2 | 2014   | 51615        | 4562     | 47053 | 112    | 156866 |
| 3 | 2015   | 64918        | 4982     | 59936 | 92     | 179096 |
| 4 | 2016   | 82859        | 6026     | 76833 | 531    | 213789 |
| 5 | 2017   | 84914        | 5719     | 79195 | 379    | 131509 |
| 6 | 2018   | 89674        | 8011     | 81663 | 452    | 158091 |
| 7 | 2019   | 91487        | 7728     | 83759 | 665    | 164886 |
| 8 | 2020   | 31978        | 1391     | 30587 | 111    | 80808  |
| 9 | 2021   | 45565        | 3987     | 41578 | 318    | 123576 |

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциясини баҳолаш учун тренд моделлардан фойдаланамиз. Қуйида ҳар бир кўрсаткич бўйича қурилган тренд моделлари келтирилди (2-жадвал)

**2-жадвал Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларни баҳолаш ва прогнозлаш учун тренд моделлари<sup>3</sup>**

| №  | Модел                                      | t-статистика                               | Детерминация коэффициенти |
|----|--|--|---------------------------|
| 1. | $JXKS = 7864,60 + 5040,89t - 57308,7 * D$  | $a_0=2,245$<br>$a_1=13,92$<br>$a_2=-9,583$ | $R^2=0,93$                |
| 2. | $BKTBS = 1279,92 + 371,576t - 5093,49 * D$ | $a_0=3,028$<br>$a_1=8,501$<br>$a_2=-7,059$ | $R^2=0,85$                |
| 3. | $TQTBS = 13789,3 + 4127,74t - 49942,2 * D$ | $a_0=3,868$<br>$a_1=11,20$<br>$a_2=-8,207$ | $R^2=0,90$                |
| 4. | $SSYS = 29,3715t - 299,656 * D$            | $a_1=4,350$<br>$a_2=-2,688$                | $R^2=0,84$                |
| 5. | $TQS = 80829,3 - 8135,50t - 94213,4 * D$   | $a_0=7,042$<br>$a_1=5,564$<br>$a_2=-4,808$ | $R^2=0,87$                |

Бу ерда: JXKS – жами хизмат кўрсатилганлар сони, BKTBS – бир кунлик ташриф буюрувчилар сони, TQTBS- тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони, SSYS - сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони, TQS - тунаб қолишлар сони, t – трендни ифодалайди, D – dummy ўзгарувчи 2020 йилдан ҳисобланади<sup>4</sup>

Тузилган моделлар адекватликга текширилди ва маълум мезонлар асосида уларнинг адекват эканлигини кўришимиз мумкин (тўлиқ натижалар 1-иловада келтирилган)

Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақада туризм тармоғида жами хизмат

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан Gretl дастурий пакетида ҳисобланган

<sup>4</sup> Моделлардаги барча ўзгарувчиларнинг белгиланиши муаллиф томонидан киритилган

кўрсатилганлар сонининг ўзгариши 2019 йилгача барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, сўнги 2 йилда ушбу кўрсаткич бўйича тебраниш суръатининг ошиши кузатилади. Жами хизмат кўрсатилганлар сони ўзгаришининг 93 фоизи вақтга боғлиқ тренддан иборат эканлигини кўришимиз мумкин. Жами хизмат кўрсатилганлар сони вақт кесимида ўртача 5040 нафарга ошиб борганлигини кўриш мумкин. Бу тенденция фақат 2019 йилгача бўлган давр учун тегишли бўлиб, 2020 йилдан хизмат кўрсатилганлар сони 57308,7 бирликга камайиши кузатилади.

Қолган кўрсаткичлар бўйича ҳам айтиш натижалар ўринли бўлиб, барча кўрсаткичлар вақт бирлигига сезиларли даражада боғланган бўлиб, 2020 йилдан бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 5093 бирликга, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони 49942 бирликга, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 300 бирликга, тунаб қолишлар сони 94213 бирликга камайган. Шунингдек, бугунги барқарорлашув жараёнида Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларида тузилган модел натижаларига асосан ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Буни ушбу кўрсаткичларнинг прогноз қийматларидан ҳам кўриш мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг прогнози (2022-2027 йиллар учун)<sup>5</sup>

| Прогноз даври                                  | Асосий кўрсаткичлар |              |              |              |              |
|--|---------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|  | <i>JXKS</i>         | <i>BKTBS</i> | <i>TQTBS</i> | <i>SSYS</i>  | <i>TQS</i>   |
| 2022   | 46333               | 3246         | 42274        | 258          | 112099       |
| 2023   | 51374               | 3618         | 46402        | 288          | 118703       |
| 2024   | 56415               | 3989         | 50530        | 317          | 125307       |
| 2025   | 61455               | 4361         | 54657        | 347          | 131912       |
| 2026   | 66496               | 4733         | 58785        | 376          | 138516       |
| 2027   | 71537               | 5104         | 62913        | 405          | 145120       |
| 2027 йилда 2021 йилга нисбатан ўсиш (нисбатда) | <b>1,57</b>         | <b>1,28</b>  | <b>1,51</b>  | <b>1,27</b>  | <b>1,17</b>  |
| Ўртача ўсиш суръати (%)                        | <b>107,8</b>        | <b>104,2</b> | <b>107,2</b> | <b>104,1</b> | <b>102,7</b> |

Юқорида келтирилган (2-жадвал) моделлар ёрдамида ҳисобланган прогноз натижаларига кўра жами хизмат кўрсатилганлар сонининг ўртача ўсиш суръати 107,8 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, ўртача ўсиш суръати бир кунлик ташриф буюрувчилар сони учун 104,2 фоизга, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони учун 107,2 фоизга, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони учун 104,1 фоизга, тунаб қолишлар сони учун 102,7 фоизга тенг бўлмоқда.

Кўриш мумкинки, 2027 йилда 2021 йилга нисбатан ўсиш нисбати жами хизмат кўрсатилганлар ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонидан юқори, яъни мос равишда 1,57 ва 1,51 баробарга тенг, аксинча, бир кунлик ташриф буюрувчилар, сотилган сайёҳлик йўлланмалари, тунаб қолишлар сонидан бу кўрсаткич нисбатан пастлигича қолмоқда.

#### Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан хулоса ўрнида айтиш мумкинки, минтақада жами хизмат кўрсатилганлар ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонининг ортиш мойиллиги даражасининг юқори эканлигидан келиб чиқиб, маданий-маънавий тадбирлар доирасида ташриф буюрувчи туристлар оқимини кенг қилиш туризм объектларини кўпайтириш, ўз ўрнида бир кунлик ташриф буюрувчилар, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сонини оширишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш зарур. Чунки, юқорида танланган барча кўрсаткичлар ўзаро кучли эконометрик зичликни ҳосил қилиб, тўғри пропорционал ўсиш суръатига эга.

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан Gretl дастурий пакетида ҳисобланган

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон Фармони.
2. Tukhliev I.S., Sobirov B. Ways to Increase the Competitiveness of Tourism Services Through the Application of Digital Technologies in Uzbekistan. Middle European Scientific Bulletin, VOLUME13June 2021
3. Tukhliev I.S., Muhamadiyev A.N. Smart-tourism experience in geo information systems. International Scientific Journal, Theoretical & Applied Science. Impact Factor: Philadelphia, USA. April 30, 2019
4. Tukhliev I.S., Sobirov B. State regulation of innovative activities in new Uzbekistan. International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England <http://euroasiaconference.com> April 3rd -4th 2021
5. Tukhliev I.S., Muhamadiev A., Abdukhamidov S.A. Features Of The Use Of Digital Technology In The Development Of Geographic Information Systems In Tourism. Jour of adv research in dynamical & control systems, vol. 12, special issue-06, 2020